Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига
8-ИЛОВА

**05.10.2022 даги**

**"JIZZAX DECORATION" МЧЖ ва Жиззах шахар хокимлиги (Фонд 3050) ўртасида 26100000,00 сўм умумий суммага тузилган 1 - сонли шартномага**

## ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 018

Шахсий ғазна ҳисобварақ 30502286008401710960101 8001

сўмда

| 2022 й. ойлар номи. | Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди) | | | Жами |
|---|---|---|---|---|
| | 4821190 | | | |
| Январь | | | | |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | 26 100 000,00 | | | 26 100 000,00 |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Жами йил бўйича** | **26 100 000,00** | | | **26 100 000,00** |

Жами 26100000,00 сўм Йигирма олти миллион бир юз минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 7830000,00 сўм ёки 30,00%*** шартноманинг умумий суммасидан 70 % ***2022 октябр ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига ______ ойининг ______ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ойлик равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари ______ (имзо) Холмуродов К. А. (Ф.И.Ш.)

М.Ў.

Буюртмачи бош бухгалтери ______ (имзо) Нахалбоев К.А. (Ф.И.Ш.)

Ғазначилик бўлинмасининг ходими қабул қилди ______ (имзо)

«___» ________________ 20___й.

Буюртмачи ходими қабул қилди ______ (имзо)

«___» ________________ 20___й.

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ № 1

**Жиззах шаҳар** «5» 10 **2022 й**

«Жиззах шаҳар/ ҳокимлиги» (кейинги ўринларда– **“Буюртмачи”) Низом** асосида иш олиб борувчи номидан К. Ҳамдамов [illegible] орқали бир томондан ва «Жиззах Декоратион, ИЧМ» (кейинги ўринларда – **“Ижрочи”) Низом** асосида иш олиб борувчи номидан Асқаров Д орқали иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

### 1. Шартноманинг предмети

1.1 Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича ижрочи буюртмачининг топшириғига кўра мазкур шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган хизматларни кўрсатиш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ушбу хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Ижрочи кейинги ўринларда “Хизматлар деб аталадиган қуйидаги хизматлар кўрсатиш мажбуриятини олади:

| Т/Р | Хизматлар тури | Улчов бирлиги | Сони | Қиймати | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Гала концерт | | 1 | 26100000 | 26100000 |
| | | | | | |
| | Жами | | | | 26100000 |

1.3 Хизматлар кўрсатиш муддати мазкур шартнома Ғазначилик бўлинмаларида рўйхатга олиниб, буюртмачи томонидан шартнома умумий қийматининг 30 фоизи миқдорида олдиндан аванс тўлови амалга оширилгандан сўнг 2 кун мобайнида.

1.3.1 Хизматлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин кўрсатилган деб ҳисобланади.

### 2. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

**<u>2.1. Ижрочининг мажбуриятлари</u>**:

2.1.1. Хизматларни лозим бўлган сифатда бажариш.

2.1.2.Хизматларни мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда тўлиқ ҳажмда кўрсатиш.

2.1.3. Агар ижрочи хизматлар кўрсатиш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштирадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига асосан барча аниқланган камчиликларни 2 кун ичида текинга бартараф этиш.

2.1.4. Ижрочи хизматларни бажариш бўйича ишни шахсан бажариши шарт.

**<u>2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари</u>**:

2.2.1. Буюртмачи кўрсатилаётган хизматлар учун шартнома умумий қийматининг 30 фоизи миқдорида олдиндан аванс тўловини амалга оширади, қолган 70 фоизи хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланиб, ижрочи томонидан буюртмачига ҳисобварақ-фактура тақдим этилган санадан бошлаб 30 кун ичида тўлаб берилади.

2.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Ҳар қандай вақтда ижрочининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажарилаётган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

2.3.2. Далолатнома имзолангунга қадар ҳар қандай вақтда шартномани бажаришдан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги ҳақидаги хабарнома олингунга қадар кўрсатилган хизматлар қисмига мутаносиб қисмини ижрочига тўлаш.

2.3.3. Мазкур шартнома Ғазначилик бўлинмаларида рўйхатга олингандан кейин кучга киради ва 2022 31 декабрга қадар амал қилади.

### 3. Шартнома баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби

3.1.Мазкур шартноманинг баҳоси (Йигирма олти миллион бир юз минг сўм) сўмни ташкил қилади.

3.2. Буюртмачи томонидан ижрочига кўрсатилган хизматлар баҳосини тўлаш ижрочининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

### 4. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. Мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган хизматлар кўрсатиш муддатини бузганлиги учун ижрочи буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.2. Кўрсатилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.3. Тарафларнинг мазкур шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

### 5. Форс-мажор ҳолатлари

5.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши,

фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

5.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

5.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой ўзлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

### 6. Низоларни ҳал этиш тартиби

6.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

6.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Жиззах шахар хўжалик судида кўриб чиқишга топширадилар.

### 7. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

7.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилган ҳолда расмийлаштирилиб, Ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтгандан кейингина юридик кучга эга.

7.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

### 8. Коррупцияга қарши шартлар

8.1 Шартнома ўз мажбуриятларин бажаришда томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан аммалдаги қонунларга риоя этишни таъминлайди, яъни томонлар бир-бирларига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим.

8.2 Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дархол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган холатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш хуқуқига эга ва мурожаатнома олган томон 10(ўн) иш куни мобайнида тушунтириш бериш ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

8.3. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион холатни пасайишига олиб келмаса бошқа томон шартномани бекор қилиш хуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин

### 9. Якуний қоидалар

9.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланиб Ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтгандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди.Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга.Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

9.3Шартномага илова ______________________________

### 10 Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

**«Ижрочи»**

Жиззах Декорейшн МЧЖ
(етказиб берувчининг (пудратчининг) номи)

Манзил: Жиззах ш Фаттаровик МФЙ Ш. Рашидов 66 уй

Тел./факс 72 222-40-83

(х/в ёки ш/х) 20208000705504802001

Банк номи Асака банк Жиззах филиали

ИНН: 309377275

МФО: 00140

ИФУТ: ______________________

Раҳбар Д. Аскаров
(лавозими) (Ф.И.Ш)

______________________ имзо М.Ў.

*Ҳуқуқшунос:* __________ __________ *(имзо)*

**«Буюртмачи»**

Шахар хокимлиги
(бюртмачининг номи)

Манзил: Жиззах шахар Ўзбекистон кўч 13 уй

Тел./факс 72 222-40-83

ш/х 30502286008401710960101 8001

Ташкилотнинг СТИРИ 201432611

ИФУТ: ______________

Ғазначилик бўлинмаси номи
Ўз. Рес. Молия Ваз. Ғазначилиги
ЯҒХ 23402000300100001010
Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шахар бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)
МФО: 00014
Ғазначилик бўлинмаси СТИРИ: 201122919

Буюртмачи раҳбари: Р. Холмуродов
(лавозими)(Ф.И.Ш)

______________________ имзо М.Ў.

*Гув-ма №* __________ Р. Нурмавов
*(Ф.И.Ш)*

JIZZAX DECORATION

4847591

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"JIZZAX DECORATION" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

([illegible])

"JIZZAX DECORATION" MChJ

([illegible])

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

10.03.2022 — 1112215 — ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi

([illegible])

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 309377275

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Jizzax viloyati, Jizzax shahri, Джизакская область, Джизак г., Уратепалик Б.Мирзаимов, дом 66,

Guvohnoma: Jizzax viloyati, Jizzax shahri, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

([illegible])

«ТАСДИКЛАЙМАН»
Жиззах шахар ҳокими ўринбосари
________ Х.Оналбоев
"5" ___10___ 2022 й

№ 154556 конкурс лот бўйича хайъат аъзолари томонидан ўтказилган

**МАЖЛИС БАЁННОМАСИ**:

Қун тартибида; Шахар ҳокимлиги томонодан махсус порталга "Ёшлар жамғармаси" орқали жойлаштирилган йиғилиш баённомасига икки кун давомида хеч қандай эътироз ва норозиликлар билдирилмади. Шахар ҳоким ўринбосари, Х.Оналбоев сўзга чиқиб портал орқали маблағ чиқаришга маъсул қилиб бош хисобчи Қ.Нахалбоев тайинланди.

Кун тартибидаги масала юзасидан Шахар ҳокими ўринбосари ўз сўзини давом эттириб Жиззах шахрида Ёшлар фестиваллари ва галаконцерт ўтказиш муносабати билан талабномага бир қатор ташкилотлар томонидан таклифлар тушганлигини ва энг яхши таклиф берган ташкилотни **xarid.uzex.uz** портали оркали танлаб олинганлиги сабабли Х.Оналбоев йиғилганларни ўз хизматларини таклиф этган ташкилотлар билан батафсил таништириб чиқди.

Талабномага таклиф берган ташкилотлар қуйидагилар

| № | **Махсулот Номи** | ЯТТ Эшонкулов М.Н | **JIZZAX DECORATION MCHJ** |
|---|---|---|---|
| 1 | Жиззах шахрида Ёшлар фестиваллари ва галаконцерт ўтказиш | 26 150 000 | 26 100 000 |
| x | **Жами** | **26 150 000** | **26 100 000** |

Ушбу таклифларни йиғилиш қатнашчилари атрофлича ўрганиб чиқиб

**ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Электорон **xarid.uzex.uz** портали орқали **JIZZAX DECORATION MCHJ** танланган.
2. Ғолиб чиққан ташкилот билан Жиззах шахар ҳокимлигининг 30502286008407109601018001 ШХВ орқали шартнома тузиб хужжатларни расмийлаштириш хамда маблағларни белгиланган тартибда ўтказиб бериш, ҳокимлик бош ҳисобчиси Қ.Нахалбоевга юклатилсин.
3. Жиззах шахрида Ёшлар фестиваллари ва галаконцерти ўтказилишини назорат қилиш Жиззах шахар ҳокими ўринбосари Х.Оналбоев зиммасига юклатилсин.

**Хайъат раиси** **Х.Оналбоев**

**Хайъат азолари** **Р.Исмоилов**

**Қ.Нахалбоев**

**Ш.Шукуров**

**Б.Алламуродов**

**А.Эшонкулов**

## Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 154556 на приобретение Гала концерт

Способ проведения электронный

Дата 03.10.2022

Время рассмотрения 03.10.2022 11:57

Закупочная комиссия Жиззах шахар хокимлиги Ешлар жамг, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | ИСМАЙИЛОВ РАХМАТУЛЛА ЖАРАШЕВИЧ | Бош мутахасис | Жиззах шахар хокимлиги |
| **Секретарь комиссии** | Фозилов Шағзод Бахром ўғли | Котиб | Жиззах шахар хокимлиги |
| **Член комиссии** | NARBUTAYEV ELMUROD SAIDAXMATOVICH | Ёрдамчи хисобчи | Жиззах шахар хокимлиги |
| **Член комиссии** | АЛЛАМУРАТОВ БАХТИЁР САФАРОВИЧ | Етакчи мутахасис | Жиззах шахар хокимлиги |
| **Член комиссии** | SHUKUROV SHAXZOD ABDURAXMANOVICH | Бош хисобчи | Жиззах шахар хокимлиги |
| **Член комиссии** | Эшонкулов Азим Норбутаевич | Хужалик ишлари мудири | Жиззах шахар хокимлиги |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 03.10.2022 года № лота 154556.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 55

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по организации и проведению мероприятий** |
|---|---|
| Подробное описание | Хизмат сифатли булиши шарт |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 26 190 000.00 |
| Стартовая сумма | 26 190 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танловда иштирок этадиган корхонанинг молиявий хаолати тугрисида маьлумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган корхонанинг молиявий хаолати тугрисида маьлумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЯТТ Эшонкулов** | 25 | мавжуд | 21 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **М.Н** | | | | | | |
| **JIZZAX DECORATION MCHJ** | 25 | Маълумот такдим этилди | 22 | Экспертная | | |

Критерий №2 Бажарилган ишлар далолатномаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Бажарилган ишлар далолатномаси

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЯТТ Эшонкулов М.Н** | 25 | Маълумот такдим этилди | 20 | Экспертная | | |
| **JIZZAX DECORATION MCHJ** | 25 | Маълумот такдим этилди | 20 | Экспертная | | |

Критерий №3 Танловда иштирок этадиган корхонанинг ушбу лот буйича бажарган ишлари тугрисида маьлумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган корхонанинг ушбу лот буйича бажарган ишлари тугрисида маьлумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЯТТ Эшонкулов М.Н** | 25 | Мавжуд | 20 | Экспертная | | |
| **JIZZAX DECORATION MCHJ** | 25 | Маълумот такдим этилди | 21 | Экспертная | | |

Критерий №4 Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги ва Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомиллари ва картатека мавжуд эмаслиги хакида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги ва Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомиллари ва картатека мавжуд эмаслиги хакида маълумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЯТТ Эшонкулов М.Н** | 25 | маълумот такдим этилди | 20 | Экспертная | | |
| **JIZZAX DECORATION MCHJ** | 25 | Маълумот такдим этилди | 20 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **JIZZAX DECORATION MCHJ** | 26 190 000.00 | 26 100 000.00 UZS | 26 100 000.00 | 00.00 | 26 100 000.00 | 29.09.2022 00:09:46 | 10 |
| **ЯТТ Эшонкулов М.Н** | 26 190 000.00 | 26 150 000.00 UZS | 26 150 000.00 | 00.00 | 26 150 000.00 | 29.09.2022 00:02:11 | 9.98088 |

**Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей**

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **JIZZAX DECORATION MCHJ** | 74.7 | 10 | 84.7 |
| **ЯТТ Эшонкулов М.Н** | 72.9 | 9.98088 | 82.88088 |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 154556 от 03.10.2022 года на приобретение Гала концерт определила победителем:

JIZZAX DECORATION MCHJ
309377275

и резервный исполнитель: ЯТТ Эшонкулов М.Н ()

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | ИСМАЙИЛОВ РАХМАТУЛЛА ЖАРАШЕВИЧ | Согласен | |
| **Член комиссии** | NARBUTAYEV ELMUROD SAIDAXMATOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | АЛЛАМУРАТОВ БАХТИЁР САФАРОВИЧ | Согласен | |
| **Член комиссии** | SHUKUROV SHAXZOD ABDURAXMANOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | Эшонкулов Азим Норбутаевич | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

01/01-1648
2022 19 07

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Жиззах шаҳар Ҳокими,
Кенгаш раиси
_________ К.Холмуродов
"___" _________ 2022 йил

**ЖИЗЗАХ ШАҲАР "ЁШЛАР ДАФТАРИ" ГА КИРИТИЛГАН ВА ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЁШЛАР ЖАМҒАРМАСИ ВАСИЙЛИК КЕНГАШИНИНГ ЙИҒИЛИШ ҚАРОРИ**

"___" _______2022 йил №______ ёшлар шаҳарчаси

| | | |
|---|---|---|
| **Йиғилиш раиси:** | - | **К.Холмуродов** - Жиззах шаҳар Ҳокими, Кенгаш раиси |
| **Таклиф этилганлар** | - | Жиззах шаҳар "Ёшлар дафтари" га киритилган фуқароларни ва иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси Кенгашининг аъзолари, Ёшлар ишлари агентлиги шаҳар бўлими ходимлари, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари |

**КУН ТАРТИБИДА:**

**1. Жиззах вилояти Ҳокимнинг 11.06.2022 йилдаги 01-1097 сонли Ёшлар ойлиги давомида шаҳарда Ёшлар фестиваллари ва галаконцерт ўтказиш бўйича режа жадвалига асосан**

*(К.Холмуродорв, А.Эргашев, З.Муллажонов, М.Маматов, Ж.Ахбўтаев, Ў.Асқаров, М.Адилова, А.Абдужалилов, Ш.Қаюмов, Ш.Зулфиқоров, Б.Ғофуров, Ф.Искандаров, Б.Соатов, Д.Ўралов, Д.Мирзаев)*

Йиғилишни Жиззах шаҳар Ҳокими кириш сўзи билан очиб, "Ёшлар дафтари"га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни ва иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда "Ёшлар ўртасида китобхонлик, маданият ва санъат, интелектуал ўйинлар ахборот технологиялари, спорт турлари бўйича "Беш ташаббус олимпиадаси"ни ташкил этилгани ҳақида ўз фикрини билдириб, ёшларни бўш вақтлари мазмунли ўтаётгани юзадисан Ёшлар ишлари агентлиги ходимлари ва махалла етакчиларига миннатдорчилик билдириб ўтди.

Шунингдек, Жиззах вилояти Ҳокимнинг 11.06.2022 йилдаги 01-1097 сонли Ёшлар ойлиги давомида шаҳарда спорт мусобақалари, Ёшлар фестиваллари ва **галаконцерт** ўтказиш бўйича, режа жадвали юзасидан тушунтириш ишлари олиб борди.

Жумладан, 2022 йил 7 июндаги 312-сонли қарорига асосан, Кенгаш жамғармасига умумий раҳбарликни амалга ошириши ва унинг фаолиятини назорат қилиши, жамғармаларнинг даромад ва харажатлари йиллик параметрлари, уларнинг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботларни, шунингдек, жамғармага юклатилган вазифаларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларини тасдиқлаши, жамғарманинг йиллик иш режаси ва дастурларини тасдиқлаши, жамғарма маблағлари ҳисобидан алоҳида тадбирларни молиялаштириш тартибини белгилаши, жамғармага хорижий инвестициялар, грантлар ҳамда хомийлик хайрияларини жалб қилишда кўмаклашиши, жамғарма фаолиятига тааллуқли масалалаларни кўриб чиқиш ва улар бўйича қарорлар қабул қилиши, жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ ваколатларни амалга ошириш каби вазифалари ҳақида батафсил тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг сўзга чиққан Шаҳар Ҳокимининг Ёшлар масалалари бўйича ва Кенгаши раисининг ўринбосари З.Мулажжонов июнь ойи ёшлар ойлиги доирасида шаҳар худудидаги барча махаллаларда Ёшлар фестивалларини юқори даражада ташкил этиш, фестиваллар доирасида спорт мусобақаларини ўтказиш ва кўнгил очар тадбирларни шунингдек юқори савияда галаконцерт ташкил этишга катта эътибор қаратилди, шунингдек вилоят Ҳокимнинг режа жадвалига асосан ва Бош Вазирнинг 7-июндаги 312-сонли қарорига асосан Жиззах шаҳрида 16-июнь куни галаконцертни ўтказиш ва ушбу концертга смета асосида эстрада юлдузларини таклиф қилишни мақсадга мувофиқ деб хисоблади.

Шунингдек фестиваллар ва галаконцертни сифатли ўтказиш учун ўтказиш учун 26 190 000 (егирма олти миллион бир юз тўқсон минг) сўм маблағни "Ёшлар дафтари" жамғармаси ҳисобидан ажратиш мақсадга мувофиқлиги юзасидан ўз таклифини билдирди.

Кенгаш аъзолари томонидан Шаҳар ҳокимининг Ёшлар масалалари бўйича ўринбосари З.Муллажоновнинг таклифи бир овоздан маъқулланди.

Йиғилиш кун тартибидаги масалани муҳокама қилиб,

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. **Жиззах вилояти Ҳокимнинг 11.06.2022 йилдаги 01-1097 сонли Ёшлар ойлиги давомида, Жиззах шаҳрида Ёшлар фестиваллари ва галаконцерт ўтказиш бўйича режа жадвалига асосан ижро учун қабул қилинсин.**

худудидаги барча махаллаларда Ёшлар фестивалларини юқори даражада ташкил этиш, фестиваллар доирасида спорт мусобақаларини ўтказиш ва кўнгил очар тадбирларни шунингдек юқори савияда галаконцерт ташкил этишга катта эътибор қаратиб, вилоят Ҳокимнинг режа жадвалига асосан ва Бош Вазирнинг 7-июндаги 312-сонли қарорига асосан Жиззах шаҳрида 16-июнь куни галаконцертни ўтказиш ва ушбу концертга Жиззах шаҳар ёшларининг хохиш истакларидан келиб чиқиб шунингдек телеграм

ижтимоий тармоғи орқали ўтказилган онлайн сўровномада эстрада юлдузи Муниса Ризаева кўп овоз тўплаганлиги сабабли, ушбу қўшиқчини таклиф қилишни мақсадга мувофиқ деб топилсин.

2. Шаҳар Молия бўлими **(А.Абдужалилов)га:**

"Ёшлар дафтари" жамғармаси маблағлари ҳисобидан Ёшлар ойлиги доирасида Жиззах шаҳрида ўтказиладиган "Янги Ўзбекистон ёшлари фестивали" гала концерт дастурини юқори саъвияда ўтказиш шунингдек шаҳримиз ёшлари хохиш истакларини рўёбга чиқариш учун эстрадамизнинг ёрқин юлдузи Муниса Ризаевани олибкелиш мақсадида 26 190 000 (йигирма олти миллион бир юз тўқсон минг) сўм маблағни шаҳар ҳокилигига ажратиш вазифаси юклатилсин.

3. Жиззах шаҳри бўйича ғазначилик бўлинмаси **(А.Расулов)га:**

мазкур маблағларни белгиланган тартибда ўтказиб бериш вазифаси юклатилсин.

4. Шаҳар ҳокимлиги бош ҳисобчиси **(Қ.НАХАЛБОЕВ)га Жиззах вилояти Ҳокимнинг 11.06.2022 йилдаги 01-1097 сонли Ёшлар ойлиги давомида, Жиззах шаҳрида Ёшлар фестиваллари ва галаконцерт ўтказиш бўйича режа жадвалига асосан** 26 190 000 (егирма олти миллион бир юз тўқсон минг) сўм маблағни ушбу эстрада юлдузини олиб келиш учун шартнома тузилган тадбиркор хисоб рақамига ўтказиб бериш вазифаси юклатилсин.

5. Шаҳар ҳокимининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари З.Муллажонов ва Шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари **А.Эргашевга** ушбу маблағнинг мақсадли ишлатилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.

6. Ушбу йиғилиш қарорининг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

| | |
|---|---|
| **Шаҳар прокурори,**<br>**2-сектор раҳбари:** | **М.Маматов** |
| **Шаҳар ИИБ бошлиғи,**<br>**3-сектор раҳбари:** | **У.Асқаров** |
| **Шаҳар ДСИ бошлиғи,**<br>**4-сектор раҳбари:** | **Ж.Ахбўтаев** |
| **Шаҳар ҳокимининг**<br>**ўринбосари:** | **З.Муллажонов** |
| **Ёшлар ишлари агентлиги**<br>**Жиззах шаҳар бўлими бошлиғи:** | **Д.Мирзаев** |